# Кучч — АДОЛАТДА

2011 йил, 16 июнь, пайшанба
№ 24 (330)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси
http://www.supcourt.uz
1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЙ ТОПСА, ЮРТИМИЗ ОБОД, ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ. БУ ЭЗГУ ҒОЯ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, УЙ-ЖОЙ, ИЖТИМОИЙ ВА КОММУНАЛ ОБЪЕКТЛАР, КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ БАРПО ЭТИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧДИ.



## ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОН ТУРМУШИ КЎЗГУСИ

Қисқа вақт ичида қишлоқ жойларида қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник масалаларни қамраб олган замонавий салоҳиятга эга база яратилди, қурилишни молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми ишлаб чиқилди. Яъни бу соҳада ўзига хос янги тизим шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган **«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, 2009 йилда 42 массивда 847, ўтган йили 225 массивда 6 минг 800 уй-жой барпо этилди. Минглаб оилалар янги уйларга кўчиб ўтди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 2009 йили уч туманда ана шундай 60 уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили 14 тумандаги 21 қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида 650 уй-жой бунёд этилди. Жорий йилда 23 массивда 695 уй қурилиши давом этмоқда.

Оқдарё туманининг Қирқдарҳон қишлоғида намунавий лойиҳа асосида 2010 йилда ўн беш оила учун уй қурилиб, ўз эгаларига топширилган эди. Жорий йилда яна 69 уй-жой, 150 ўринли мактаб, стадион, 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, маҳалла маркази ҳамда болалар спорт майдончаси барпо этилмоқда. Қурилиш ишлари танловда ютиб чиққан саккизта қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

— Бундай замонавий уйларда яшашни илгари фақат орзу қилар эдик, — **дейди оқдарёлик янги уй соҳибаларидан бири Азиза Нурмуродова.** — Бугун мана шу орзуимиз рўёбини кўриб турибмиз. "Қишлоққурилишбанк" томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит бундай замонавий уйларга эга бўлиш учун катта имкониятдир.

Президентимизнинг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган **"Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорига мувофиқ уй-жойларнинг мавжуд намунавий лойиҳаларига ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларида ҳар бир иморат қурувчига 4 сотих ўрнига 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди.

**(Давоми учинчи бетда)**

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ҚАМРАБ ОЛМОҚДА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИГА АЙЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ БУ ЖАРАЁНДА АЛОҲИДА ЎРИНГА ЭГА.

*Yangi qonun mohiyati*

## Мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимояси

### янги қонун билан янада мустаҳкамланди

Маълумки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва хусусий мулкнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, ўтган даврда давлат томонидан хусусий мулкчилик муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, **«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»**ги ва **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда мулкчиликнинг хусусий шаклини жорий этиш ва унинг эркинлигини таъминлашга қаратилган қоидалар ўз ифодасини топди.

Шунингдек, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишда Президентимизнинг **«Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**, **«Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»**, **«Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги фармонлари муҳим аҳамият касб этди.

**(Давоми учинчи бетда)**

НУРЛИ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАБ ЙЎЛГА ЧИҚҚАН КАРВОН ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАД-МАСЛАГИ БИЛАН МАЪЛУМ МАСОФАНИ БОСИБ ЎТГАЧ, ЮРГАН ЙЎЛИГА, БОСИБ ЎТГАН ИЗЛАРИГА БИР НАЗАР ТАШЛАЙДИ. БУ САРҲИСОБ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ БОСИБ ЎТИШ УЧУН УНГА ЯНАДА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИ, МАДАД БЕРАДИ.

*Mohiyat*

## Фуқаролар манфаатлари муҳофазаси

### ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тўлиқ таъминланмоқда



Президентимиз томонидан тақдим этилган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаёти қай даражада ўзгаргани, ислоҳотларимизнинг ютуқ ва натижалари, бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизга одилона баҳо берилган.

Шунингдек, концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича қимматли фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилган. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, **мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устиворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.**

(Давоми иккинчи бетда)

*Islohot va samara*

## Бағрикенглик тамойили

### хатони тузатиш, жазодан озод бўлиш имконини бермоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАНАДИ. ЖУМЛАДАН, КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 53-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ НЕГИЗИНИ ХИЛМА-ХИЛ ШАКЛЛАРДАГИ МУЛК ТАШКИЛ ЭТАДИ, БАРЧА МУЛК ШАКЛЛАРИ ТЕНГ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА БЎЛИБ, МУЛККА НИСБАТАН ҲАР ҚАНДАЙ ТАЖОВУЗ ҚОНУН БИЛАН ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ.

Маълумки, мулк ва мулкчиликка бўлган янгича муносабат бозор ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширишга кенг йўл очди.

**(Давоми учинчи бетда)**

МАМЛАКАТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ТАРАҚҚИЙ ЭТИБ БОРАЁТГАНИ, ЮРТИМИЗДА МУҲТАШАМ, ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР ҚАД РОСТЛАЁТГАНИ АВВАЛО ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОРЛАШАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. ЖАМИЯТИМИЗДА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНАЁТГАНИ БИЗ ТАНЛАГАН ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИНГ НИҲОЯТДА ТЎҒРИ ЭКАНИНИ КЎРСАТМОҚДА.

*Qonun barchaga barobar*

## Юрт равнақига барча бирдек масъул

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ташқи давлатлар билан ўзаро алоқалар — савдо-сотиқ, товар айрибошлаш борасида тенг ҳамкорликни йўлга қўйди. Шу мақсадда кўплаб халқаро шартномалар имзоланди. Товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасидан четга олиб чиқиш ёки олиб келишнинг тартиблари белгилаб берилди.

Бу амалий ишлар бежиз эмас, чунки божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши жамиятимиз иқтисодий асосларига путур етказади. Жумладан, божхона назоратини четлаб ёки божхона ҳужжатларидан алдаш йўли билан фойдаланиб товар ва бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш баъзи товарларнинг республикамизда тақчиллигини келтириб чиқариши мумкин.

**(Давоми иккинчи бетда)**

МАЪЛУМКИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БУГУНГИ КУНДА АМАЛИЁТДА КЎП УЧРАЁТГАН ТРАНСПОРТ ИЖАРАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА ҲАМ ШУНДАЙ ДЕЙИШ МУМКИН. ҚОНУНГА КЎРА, ТРАНСПОРТ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАДА АКС ЭТАДИ ВА НОТАРИАЛ ТАРТИБДА ТАСДИҚЛАНАДИ.

*Huquqiy ma`rifat*

## Транспорт ижараси шартномаси

### унда қандай мажбуриятлар акс этиши керак?

Фуқаролик кодексининг 564-моддасига кўра, ижарага берувчининг транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига бериши ва ўз кучи билан ижарага олинган транспорт воситасини бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини олиши транспорт ижараси дейилади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

## Мамлакатимиз тараққиёти таянчлари

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЎЗ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН ЭТДИ. БУ ТАРМОҚ АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИШ, БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИНИ ЯРАТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.



Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони 471 мингдан ошди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ ислоҳотларига Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб кенг эътибор қаратилди. Шу боис ҳам суд собиқ тузумдаги каби жазолаш идораси эмас, балки фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айланди.

*Mohiyat*

# Фуқаролар манфаатлари муҳофазаси

## ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тўлиқ таъминланмоқда

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасида, аввало, **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, жиноят процессуал, фуқаролик процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани ва бошқа бир қатор ташкилий, кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилгани бугун амалда аниқ самарасини бермоқда.

Концепцияда санаб ўтилган ва батафсил изоҳлаб берилган далил ва рақамларнинг барчаси фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари ҳар томонлама ва кенг кўламда кучайтирилганлигидан далолатдир. Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатларда фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлди. Зотан, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси шу қадар инсонпарварлик ва адолат тамойилларига таяниб ҳал қилинганки, Юртбошимиз фахр ва ғурур билан бежиз қуйидагича таъкидламаган: «Бу масалалар бўйича ўзгалар, бизга ақл ўргатадиганлар балки биздан ўрнак оладиган вақт келмадими?».

Ҳа, бундай тажриба ва амалиёт эндиликда бизда бор. Уни ҳар қанча ўрганса, арзийди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, Концепцияда таъкидланган ютуқлардан ҳар биримиз фахр ва ғурур туйган ҳолда эркин фуқаролик жамияти учун сидқидилдан хизмат қилишимиз, зиммамиздаги бурч ва мажбуриятларимизни тўлиқ адо этишимиз зарур, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Зеро, бу гўзал юртнинг эртаси порлоқ бўлиши бугунги саъй-ҳаракатимизга ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

**Я.ОМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Яккабоғ тумани судининг раиси*

*Huquqiy ma`rifat*

# Транспорт ижараси шартномаси

## унда қандай мажбуриятлар акс этиши керак?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Ушбу кодекснинг 565-моддасига асосан, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган транспорт ижараси шартномаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Бу Адлия вазирлигидан 2010 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилган ва 2010 йил 1 июндан кучга кирган **«Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида»**ги Йўриқномага асосан амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 539-моддасига кўра, мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 556-моддасида **«мулк ижараси шартномасида ижарага олинган мол-мулк ижара шартномаси муддати тамом бўлганидан кейин ёки тамом бўлмасдан олдин ижарага олувчи шартномада келишилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммасини тўлаган тақдирда унинг мулкига айланиши назарда тутилиши мумкин»**, дейилган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Қўчқор Даулетмуратов ўзига тегишли автомашинани Б.Тожимуродовга кейинчалик сотиш мажбурияти билан ижарага беради ва сотиш пулининг ҳисобидан олдиндан закалат олади. Келишувга кўра, ижара шартномаси муддати давомида олинган ижара пуллари сотиш пулига қўшилади. Ижарага берувчи ва олувчи ушбу ижара шартномасини тузиш ва нотариал тасдиқлашни сўраб мурожаат этишган.

Бу ҳолатда ижарага берувчи ижарага берилган автомашинани ижарага олувчига топширгани, ижара муддати давомида тўланган пулларни сотиш баҳосига тарафлар келишувига кўра қўшганлиги, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун закалат пули олганлиги, агар шартнома мажбуриятларини ижарага олувчи бузса, закалат пули ижарага берувчида қолиши, агар шартнома мажбуриятини ижарага берувчи бузса, унда ижарага олувчига закалат пулини икки баравар қилиб қайтариши ва ижара мулки бўлган транспорт воситасининг қайтарилиш тартиби ижара шартномасида акс этиши шарт.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, транспорт ижараси шартномасини тузишда томонларнинг мажбуриятлари, ижара мулки бўлган транспорт воситасининг қандай мақсадларда ишлатиши, ижарага олинган транспорт воситаларини сақлаш, бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш кимнинг мажбуриятига кириши каби масалалар ижара шартномасида қатъий белгилаб олинса, кейинчалик турли низолар келиб чиқмайди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг самарали йўлга қўйилишини таъминлайди.

**Женгисбай АЙТМУРАТОВ,**
*Нукус шаҳар 8-сонли нотариал идораси нотариуси*

*Qonun ko`magi*

# Мамлакатимиз тараққиёти таянчлари



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фақатгина 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса янгидан ташкил этилган кичик корхоналар сони сезиларли даражада кўпайиб, ҳудудий дастурларга мувофиқ яратилган 219 минг иш ўрнининг 62,9 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички махсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа муддатда, яъни 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 53 фоизга етди.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида, аввало, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асослари қай даражада мустаҳкамланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимизда мустақилликка эришилганидан сўнг иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилиб, бу билан тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қонуний кафолатланди. Жумладан, 2000 йил 25 майда **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг асосий вазифаларидан бири бу — тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат этиб белгиланган.



Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига ушбу қонун ҳужжатларининг амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **“Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”**ги 57-сонли қарори билан Адлия вазирлигига ушбу вазифа юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, вазирлигимиз томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган ўрганишлар ҳамда таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳанузгача айрим давлат ҳокимияти ва бошқаруви, назорат қилувчи идоралар томонидан **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонун ва тадбиркорликка оид бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик холатлари учраб турибди. Хусусан, адлия идоралари томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш бўйича қўлланилган таъсир чораларига асосан жорий йилнинг 4 ойи давомида 267 та ноқонуний қарор бекор қилинди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар томонидан 259 та ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 1038 та текширишни ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари 1251 ҳолатда тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда, 378 ҳолатда уларни рўйхатга олишда, 422 ҳолатда ер ажратишда қонун талаблари бузилганлиги ойдинлашди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан судларга жами 786 та даъво аризаси киритилди. Айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган 668 та тақдимномага асосан 742 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка, 104 нафар ҳуқуқбузар эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияга мувофиқ ҳозирги кунда **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланди. Унда ўз ифодасини топган кўпгина ўзгартириш ва қўшимчалар, албатта, юқоридаги сингари қонун бузилиш ҳолатларининг камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Жумладан, қонун лойиҳасида тадбиркорнинг ҳақлиги презумпцияси принципи мустаҳкамланмоқда. Бу билан амалдаги қонун ҳужжатларида бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар аниқланганда, тадбиркорнинг фойдасига ҳал этилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини ваколатли давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари бўлимига янги модда киритилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари лойиҳада текширишни амалга ошираётган мансабдор шахсларга доир талабларнинг аниқлаштирилгани, айниқса, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширишга киришишига асос бўлувчи ҳужжатларнинг аниқ белгиланганлиги, шунингдек, текширувчи мансабдор шахсларнинг шахсий гувоҳномалари билан бир қаторда махсус гувоҳномани тақдим этиши лозимлигининг белгиланиши ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари шу тарзда янада такомиллаштирилаётгани соҳа ривожи учун кенг йўл очиб беради.

**Шокир САИДОВ,**
*Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи*

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмасдан қолинишига олиб келади. Бунинг яна бир ижтимоий хавфли томони шундаки, юртимиздан иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, чет мамлакатларга чиқарилиши тақиқланган товарлар чиқиб кетишига сабаб бўлади.

Қисқаси, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатларидан алдаш йўли билан, шунингдек, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ва бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш маъмурий ҳамда жиноий оқибатларни келтириб чиқаради. Энди эътиборингизни шунга доир бир жиноят тафсилотига қаратсак.

*Qonun barchaga barobar*

# Юрт равнақига барча бирдек масъул



Бозорларимизнинг тўкин бўлишини ҳаммамиз ҳам истаймиз, албатта. Чунки бу барчамизнинг ризқимиз. Аммо орамиздан кимдир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакатимиздан божхона назоратини четлаб, қонунга хилоф равишда олиб чиқишга уринса, бундай одамни ким деб аташ мумкин? Ахир, бу эл-юртга хиёнат эмасми?!

Афсуски, орамизда бундай кимсалар йўқ, деб бўлмайди. Мирзачўл туманида яшовчи Баҳодир Ҳайитбоевни ана шундайлар сирасига киритиш мумкин. Гап шундаки, бозорлардаги маҳсулотлар тўкинлиги, сероблиги бошқалар каби ўзининг ҳамда оиласининг манфаатига мос тушишини ўйламаган бу кимса дастлабки терговда ва судда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Айжан исмли аёл билан ўзаро тил бириктирган. Бир миллион сўм пул эвазига унинг хизматига ёлланган. Мақсад — Айжан бозордан сотиб оладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини машиналарга юклатиб, сўнгра божхона назоратини четлаб қўшни мамлакат ҳудудига ўтказиб юбориш бўлган.

Шундай қилиб Б.Ҳайитбоевнинг қўшни юртда яшовчи таниши Айжан Тошкентнинг Қўйлиқ бозорида юклари борлиги ҳақида унга қўнғироқ қилади. Б.Хайитбоев тўртта «КамАЗ» русумли автомашинани ҳозирлаб Чиноз туманининг балиқ бозори олдига элтиб қўяди. У «КамАЗ» бошқарувчилари Д.Назаров, У.Мамасолиев, Б.Тоштемиров ва Ғ.Пўлатовни аввалдан юкларни Фориш тумани «Амангелди» қишлоқ фуқаролар йиғинига олиб бориб бериш ва у ердан бошқа автомашиналарга юкларни кўчириш ҳақида хабардор қилиб қўйганди. Хизмат ҳақи ҳам келишилганди.

Хуллас, Д.Назаров, У.Мамасолиев, Б.Тоштемиров ва Ғ.Пўлатов бошқарувидаги «КамАЗ»лар Чинозда Айжан Қўйлиқ бозоридан жўнатган юкларга тўлдирилади. Бу пайтда Б.Ҳайитбоев белгиланган жойда юк ортилган «КамАЗ»ларни кутиб турганди.

Шундай қилиб помидор, бодринг, пиёз ва аҳоли кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортилган машиналар етиб келади. Б. Ҳайитбоев уларга йўл кўрсатиб манзил томон бораётганида Зафаробод тумани ҳудудида божхона ходимлари томонидан тўхтатилади.

Ҳушёр божхоначиларнинг саъй-ҳаракатлари билан жиноий қилмиш очилди. Оз эмас, 72 миллион 500 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ноқонуний равишда четга олиб кетилишига йўл қўйилмади.

Жиноят содир этилдими, демак, айбдор жазосиз қолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суд судланувчилар Б.Ҳайитбоев, Д.Назаров, У.Мамасолиев, Б.Тоштемиров ва Ғ.Пўлатовни Жиноят кодексининг 25, 182-моддаси 2-қисми «а» бандида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди.

Маълумки, Жиноят процессуал кодексининг 211-моддаси 1-бандида «жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъий назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади» дейилган. Бу Олий суд Пленумининг **«Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган.

Суд ана шу қонун талабидан келиб чиқиб, Д.Назаров, У.Мамасолиев, Б.Тоштемиров ва Ғ.Пўлатов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юкмашиналарини жиноят қуроли, деб эътироф этди ва давлат эгалигига ўтказди. Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 72 миллион 30 минг 500 сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа товар моддий бойликлар ҳам давлат эгалигига ўтказилди.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, шубҳасиз, юқоридаги сингари ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Муҳими эса, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронинг жамият ва давлат манфаатини ёддан чиқармасликларига, ўз бурчларига масъулият билан қарашларига боғлиқ. Негаки, юрт равнақи ҳар биримизнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимдон ва атрофга ҳушёр кўз билан қарашимизга узвий алоқадордир.

**Шуҳрат ХУДОЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси*

*Qilmish-qidirmish*

# Тўғри йўл

**БУ ҲАЁТДА ИНСОННИ ЭЗГУ ИШЛАРИ УЛУҒЛАЙДИ. ҲАЛОЛ, МЕҲНАТСЕВАР КИШИЛАР ЭЛНИНГ НАЗАРИГА ТУШАДИ. ШУ МАЪНОДА УМРИНИ ЭЗГУ ИШЛАР БИЛАН БЕЗАГАН, ЎЗГАЛАРДАН ҲАМ КЎМАГИНИ АЯМАЙДИГАН, ҲЕЧ КИМНИНГ КЎНГЛИГА ОЗОР ЕТКАЗМАГАН КИШИЛАР ҲАҚЛИ РАВИШДА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНИШАДИ.**

Аксинча, нафсига қул бўлиб, ўзидан бошқа билан ҳисоблашмайдиган, фақатгина чўнтагини ўйлайдиган кимсалар охир-оқибат қилмишлари ошкор бўлиб, ҳамманинг назаридан қолади. Энг қизиғи, баъзан ўзини ишчан, ҳалол, бировнинг ҳақидан қўрқадиган қилиб кўрсатган кимсалар ҳам бора-бора асл қиёфасини намоён этадики, қуйида ана шундай кимсанинг қилмишлари баёнини ўқийсиз.

Сермулозаматлиги боис кўпчиликнинг кўнглига йўл топган Нурилло Исоқжонов 2008 йилнинг 1 октябридан эътиборан «Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари ўринбосари лавозимига тайинланди. «Йўл қурган, кўприк солганнинг савоби кўп», деб уқтиришади кексалар. Дарҳақиқат, равон йўллар, мустаҳкам кўприклар бир кишининг эмас, минг-минглаб кишининг мушкулини осон қилади. Буни қарангки, нафс йўриғига кирган кимса ана шундай эзгу ишдан ҳам ўзининг манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлар экан.

Н. Исоқжонов мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, «Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат корхонасига тегишли 2002 йили ишлаб чиқарилган, нархи 13 миллион 17 минг 320 сўмлик «Б-101111 ЕТ-130» русумли тракторни гўёки «Даштобод шаҳридаги «Зовур каналларни тозалаш» масъулияти чекланган жамиятига ижарага берилди» қабилида ҳужжат тузади-ю, аслида уни ҳайдовчи Пирман Мамадиёров орқали соттириб юборади.

Тўғри, бошқа техника воситалари каби бульдозерни ҳам ижарага бериш мумкин. Аммо бунинг ҳам белгиланган тартиб-қоидаси бор. Масалан, «Зовур каналларни тозалаш» МЧЖ масъул мансабдор шахсларига бульдозер керак экан, аввало, Н.Исоқжоновга келиб учрашишлари, транспорт воситасининг техник ҳолати бўйича ўртада далолатнома расмийлаштирилиши, бульдозерни ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилиши, шартномада кўрсатилгани бўйича «Зовур каналларни тозалаш» МЧЖ 15 фоиз тўловни тўлаши лозим эди.

Аммо Н.Исоқжонов тескари иш тутди. У 2009 йилнинг 1 апрелида тузилган қалбаки 09-8 рақамли шартномага имзо қўйиб, муҳр билан тасдиқлади ва уни ўзининг қўл остида ишловчи П.Мамадиёровга берди. Ўз навбатида, П. Мамадиёров Жиззах шаҳрига йўл олиб, шаҳар «Давлаттехназорат» муҳандис-инспектори Собир Шодиевга учрашди. «Кўр кўрни қоронғида топади», деганларидай, С.Шодиев ҳам ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқди. Хўш, у нима қилди? Аввало шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги машина ва асбоб-ускуналарининг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»**ги Низомига кўра, машинани қайта рўйхатдан ўтказиш учун фуқаронинг доимий яшайдиган манзилгоҳи ўзгарганда ёзма ариза, машинанинг техник паспорти, машина эгасининг паспорти талаб қилиб олиниши керак. Машинани ҳисобдан чиқаришда унинг завод рақами белгиси, агрегатлардаги белгиларни текшириб чиқиш лозим.

*Yuksalish*

# Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровон турмуши кўзгуси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

«Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этишга мўлжалланган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уйларнинг намунавий лойиҳалари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва тавсиялари асосида илгари ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. Табиий омиллар – шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши каби муҳим иморатсозлик талаблари ҳам янги лойиҳаларда инобатга олинди. Шунингдек, хоналарнинг жойлаштирилиши қайта кўриб чиқилди, кенгайтирилди, деворлар баландлиги 3 метрдан 3,2 метрга кўтарилди. Такомиллаштирилган лойиҳада кексалар ва болалар учун ҳам тегишли қулайликлар кўзда тутилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати: дарвозахонада шахсий енгил машина учун махсус жой ҳам назарда тутилган, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қурилган сув иситиш – қозонхона қурилмаси ҳовлининг четига кўчирилди.

Жорий йилда ҳудудларнинг демографик хусусиятлари, шароитлари, ер майдони, ерости сувларининг сатҳи, автомобиль йўллари, муҳандислик ва инфратузилма объектларига бўлган масофалар эътиборга олинган ҳолда танланган 372 массивда 7,4 минг 3, 4 ва 5 хонали уй-жой тайёр ҳолда топшириш шарти асосида барпо этилмоқда. Янги массивларда барпо этиладиган уй-жойлар Президентимиз тавсиялари асосида қайта ишланган лойиҳалар бўйича – шарқона усулда, халқимизнинг миллий турмуш тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб бунёд этилмоқда.

**«Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқларини барпо этиш, умуман, инфратузилмани кенг ривожлантириш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун, аввало, фарзандларимизга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Бундай уйларда яшаш инсоннинг кайфиятини кўтариб, меҳнат фаолиятида унум ва барака келтиради»,** деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

Ҳа, одамларимизнинг уй-жойнинг қандай лойиҳа асосида, қандай қурилиш материалларидан қурилишига алоҳида эътибор қаратаётганида жон бор. Зеро, пойдевори бетондан, деворлари пишиқ ғиштдан, томи металл ёки керамик черепицадан бўлган уй нафақат кўркам ва шинам бўлади, балки бир неча авлодга хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, **бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки кейинги авлодларимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, невара-чевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.**

Уй- жойлар ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишининг ривожланиши қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва даромадини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун 2010 йилдаги дастурда 61 минг 200 нафар киши ишлаётган 379 пудрат ташкилоти иштирок этган. Бундан ташқари ушбу дастурга бир қатор лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ходимлари, шунингдек, касаначилар ва ҳунармандлар жалб қилинмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бундай замонавий уй-жой бозорининг шаклланиши туфайли қурилиш материалларига талаб ҳам тобора ошмоқда. Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга тушаётгани ушбу эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётир. Ҳозир юртимизнинг кўплаб ҳудудларида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган замонавий қурилиш материалларининг сифати хориж маҳсулотидан асло қолишмайди. Тадбиркорларимизга яратилаётган қулай шароит ва берилаётган имтиёзлар бу борада кучли рағбатлантирувчи омил бўлаётир.



Уй-жой қурилишида ишлатиладиган пишиқ ғишт, томёпқич, эшик, ром каби материаллар қиймати жами қурилиш материалларининг ўртача 23-25 фоизини ташкил этади. Шуни инобатга олган ҳолда, бундай қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган ихчам, замонавий қувватларни ишга тушириш ҳисобига қурилиш материаллари нархини оптималлаштириш устида фаол иш олиб борилмоқда. "Ўзметкомбинат" бирлашмаси ва "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси томонидан металлпрокатлар ва цемент имтиёзли нархларда тўғридан-тўғри пудратчиларга етказиб берилмоқда. "Қишлоққурилишинвест" инжиниринг компанияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 300 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган 12 янги корхона, йилига 1,7 миллион квадрат метр томёпқич материаллари ҳамда 400 минг квадрат метр ром ва эшик блоклари ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ташкил этилди. "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси корхонлари томонидан универсал иситиш тизимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аниқ мақсадли дастур асосида изчил давом этаётган бундай хайрли ишлар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

*Yangi qonun mohiyati*

# Мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимояси

## янги қонун билан янада мустаҳкамланди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айни пайтда мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни янада ривожлантириш, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан 2011 йил 25 мартда **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги қонун маъқулланиб, жорий йилнинг 14 апрелида матбуотда эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун қабул қилингунга қадар **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонуннинг 4-моддаси эски таҳририга биноан ҳарбийлашган автоколонналар хусусийлаштирилиши мумкин эмас эди.

Айни пайтда эса, мамлакатимизда автотранспорт тизимининг ривожлантирилишига катта эътибор қаратилиши билан бирга ушбу соҳага хусусийлаштириш жараёнларини татбиқ этиш самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда. Шунга кўра, юқоридаги қонун билан **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонуннинг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектлари" деб номланувчи 4-моддаси 2-бандидан, яъни давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объектлари рўйхатидан "*ҳарбийлаштирилган автоколонналар*" жумласи чиқарилди ҳамда ушбу жумла **"ҳарбий турдаги автомобиль колонналари"** таҳририда мазкур моддада "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга ошириладиган давлат мулки объектлари рўйхати"да ўз ифодасини топган 3-банднинг 17-кичик бандида қўшимча сифатида белгиланди.

Айтиш керакки, янги қонунга биноан, бундан буён ҳарбий турдаги автомобиль колонналари Президентимизнинг қарорига биноан давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин. Бу эса ҳарбий турдаги автомобиль колонналарини хусусийлаштириш, мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўзгартириш, ҳарбий турдаги автомобилларга ихтисослашган корхоналарнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада бозор механизмларининг янада кенгроқ жорий этилишига имконият яратади.

Зеро, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларини иқтисодиётнинг стратегик объектларига ҳам татбиқ этилиши ҳамда қонунчиликда белгиланган имкониятлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, ўз навбатида, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтиришни таъминлаши шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги қонуннинг қабул қилиниши нафақат транспорт соҳасини янада ривожлантиришда, айни чоғда хусусий мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган меъёрларнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

**Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

*Islohot va samara*

# Бағрикенглик тамойили

## хатони тузатиш, жазодан озод бўлиш имконини бермоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Аммо иқтисодиёт ривожлангани сари ушбу соҳада содир этилаётган жиноятлар шакллари ҳам ўзгариб бормоқда. Шу маънода иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар хилма-хиллиги, мураккаблиги ва ижтимоий хавфлилиги билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади.

Иқтисодий жиноятлар Жиноят кодексининг махсус қисми учинчи бўлимида назарда тутилган бўлиб, улар жумласига ўзгалар мулкини талон-торож қилиш (Жиноят кодексининг 164-169-моддалари), ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (Жиноят кодексининг 170-173-моддалари), иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар (Жиноят кодексининг 175-185-2-моддалари), хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (Жиноят кодексининг 186-192-моддалари) киради.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфли кўриниши ҳисобланади. Конституциямизнинг 54-моддасига кўра, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив ҳуқуқ фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқлидир.

Шу сабабли мулкий ҳуқуқни амалга оширишга қонунга асосланмаган ҳолда ҳар қандай аралашиш ушбу ҳуқуқни жиддий бузиш ҳисобланади. Масалан, фермернинг, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахснинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини қонунга хилоф равишда тасарруф этишда ифодаланган мансабдор шахснинг ҳаракатлари, агар бу ҳаракатлар оқибатида мулкдорларнинг ҳуқуқ ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатига зиён етказилган бўлса, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг таркибини ташкил этади. Бу ўринда мулкига нисбатан ноқонуний ҳаракат қилган мулкнинг эгаси айбдордан моддий зарарни, бой берилган фойдани, маънавий зиённи ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айтиш керакки, 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонунга асосан бу туркумдаги жиноятларни кўзда тутувчи йигирмата моддага ўзгартиришлар киритилди.

Жиноят кодексининг махсус қисми қатор моддалари меъёрларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун – жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда; 173, 175, 180, 181-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун – жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч баравар қилиб қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Бу тоифадаги ишлар юзасидан қонун ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларида моддий зарар ўрни қопланган вақтда ишнинг қайси босқичида ҳал этилаётганидан қатъий назар эҳтиёт чора масаласи ҳал этилиши лозимлиги эътироф этилган.-

Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани судининг 2011 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра, И.Тўхтабоев 2007 йил 2 апрелдан 2010 йил 5 августга қадар Косонсой «Пахта толаси» акциядорлик жамиятида хўжалик ишлари бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб, моддий жавобгарлик юклатилган шахс бўлгани ҳолда, жамиятнинг ўзига ишониб топширилган 151.273.170 сўмлик мол-мулкини талон-торож қилган. Унга Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Кейинчалик И.Тўхтабоевнинг қариндошлари томонидан етказилган моддий зарар қопланганги сабабли вилоят суди апелляция инстанцияси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмидаги етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги қарорининг 9-бандидаги Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун – жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши ҳақидаги раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда И.Тўхтабоевга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақида ажрим чиқарди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2010 йил 16 февралдаги ҳукмига кўра, А.Абдуллаев «Қишлоқхўжаликкимё» ҲЖ Норин тумани филиалида агрохимик ва норасмий равишда тарозибон вазифасида ишлаб, бир гуруҳ шахс билан ўзаро тил бириктириб, ихтиёридаги ўзганинг 108.258.136 сўмлик мулкини ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Мазкур жиноят иши юзасидан олиб борилган суд жараёнида А.Абдуллаевнинг қариндошлари томонидан етказилган моддий зарар ўрни тўлиқ қоплангани сабабли айбдорга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а,в» бандлари, 209-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари билан 59-моддаси тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари ва энг кам ойлик иш ҳақининг 550 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланиб, суд залидан озодликка чиқарилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда қонунларга киритилган бу ўзгартишлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этганларга етказилган моддий зарарни қоплашга шароит яратиб, содир этган ҳаракати учун тайинланган жазони оиласидан, яқинларидан ажралмаган ҳолда ўташга имконият берди. Айни вақтда етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши мамлакатимиз иқтисодиётини, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини бермоқда.

**Адҳам РАҲМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси*

*Muloqot*

**Газетхон савол беради...**

***— Бир ташкилотга ишга кирган эдим, раҳбар менга иш ҳақини фақат ўзи белгилашини билдирди. Айтинг-чи, қонунчиликка асосан, меҳнат ҳақи миқдори қандай белгиланади?***

***О.ЛАТИПОВ,***
*Хўжаобод тумани*

— Меҳнат кодексининг 153-моддасида меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, ҳукумат томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларнинг, шунингдек, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

***— Айтинг-чи, меҳнатга доир қандай қарорлар дарҳол ижро этилиши қонунда белгиланган?***

***Ш.ҚАМБАРОВ,***
*Зафаробод тумани*

— Меҳнат кодексининг 273-моддасида меҳнатга доир айрим ишлар бўйича қарорларни дарҳол ижро этиш тартиби ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага мувофиқ, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари тарифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим. Иш берувчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган ижро кечиктирилган вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида ажрим ёки қарор чиқаради. Агар ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходим меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома асосида комиссия қарорини мажбурий равишда ижро эттиришни сўраб судга мурожаат қилган бўлса, суд меҳнат низолари комиссияси қарорининг ижроси кечиктирилганлиги туфайли юзага келган мажбурий прогул вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

**Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

# манзилга етказади

## эгри йўлнинг эса боши доимо беркдир

Шунингдек, ҳар қандай турдаги қишлоқ хўжалиги техника воситаси фуқаронинг ўзи яшаб турган жойдаги Давлат техника назорати инспекциясида давлат рўйхатига олиниши ёки рўйхатдан чиқарилиши шарт. Бошқа туман ёки шаҳар Давлат техника назорати инспекциялари томонидан давлат рўйхатига олиш ёки чиқариш қатъиян ман этилади.

Аммо пихини ёрган С.Шодиев трактор учун сохта техник паспорт расмийлаштириб берди. Бунда у қалбаки техник паспортга сохта ёзувлар киритди, ўзича завод ишлаб чиқариш рақамини, двигатель маркасини ёзди. Хуллас, трактор Жиззах шаҳри ДТН инспекциясида AI 0115 рақами билан 2002 йил 10 февралда рўйхатга олинди ва эгаси сифатида Ҳасанов Нодир Расулбердиевич қайд этилди. Қизиқ, бу ном қаердан пайдо бўлиб қолди?

С.Шодиев жиноят очилмаслиги учун шу йўлни танлаган эди. Яъни П.Мамадиёров Зомин туманида яшайди. Демак, унинг номига Жиззах шаҳрида тракторни расмийлаштириб бўлмайди. Шу тариқа С.Шодиев 2002 йилда машина сотиб олиб, давлат рўйхатидан ўтказган Н.Ҳасановнинг номидан фойдаланди.

Раҳбари Н.Исоқжоновдан «оқ фотиҳа» олган П.Мамадиёров Н.Ҳасанов номига расмийлаштириб берилган сохта техник паспорт орқали қолган ишларни ўзи бажарди. Аниқроғи, у Зарбдор тумани давлат нотариал идораси нотариуси имзосини, шу идора муҳрини қалбакилаштирди. Олди-сотди шартномасини сохта нотариал тартибда расмийлаштирди. Корхонага тегишли 13 миллион 17 минг 320 сўмлик тракторни 2009 йил 21 июль куни чинозлик А.Асомовга сотиб юборди.

Жиноят ишининг П.Мамадиёровга нисбатан қисми Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган. Суд судланувчи Н.Исоқжоновни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 208-моддаси ва 209-моддаси 1-қисми, С.Шодиевни Жиноят кодексининг 206-моддаси 2-қисми «а» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди, 28, 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топиб, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан, корхона, ташкилот ва муассасаларда икки йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Азал-азалдан нопоклик изсиз кетмаган. Тўғри йўлни қўйиб, эгриликни ихтиёр этган кимсалар, албатта, қилмишига яраша жазо олган. Гарчанд, қонунга зид хатти-ҳаракатлар, фуқаролар, давлат манфаатларига путур етказувчи қилмишлар ошкор бўлиб, айбдорлар жазосини олаётган эса-да, айрим кимсаларнинг яна нопок йўлдан юришдан тоймаётганликлари кишини ажаблантиради. Ушбу мақолани ёзишдан кўзлаган асосий мақсадимиз ҳам шу: тўғри йўлнинг манзилга етказиши-ю, эгрилик надоматга сабаб бўлишини яна бир карра таъкидлашдан иборатдир.

**Ҳосилмурод ҚЎШМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Зомин тумани судининг раиси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч – адолатда» мухбири*

**ХОРИЖГА ТУРЛИ МАҚСАДЛАР БИЛАН ЧИҚИШ, МАСАЛАН, ЎҚИШ, ИШЛАШ, САЁҲАТ УЧУН БОРИШ БУГУНГИ КУНДА МУАММО ЭМАС. АММО БУЛАРНИНГ БАРИНИ ҚОНУН ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИШ ҲАР ЖИҲАТДАН МАҚБУЛ БЎЛАДИ. АХИР, БУ БОРАДА ДУЧ КЕЛГАН ОДАМГА ИШОНИБ, СЎНГ АЛДАНИБ ҚОЛАЁТГАНЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС-ДА.**

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*

# Бировнинг насибаси

## у ўзгага ҳам буюрмайди

Айрим кишиларнинг узоқни кўролмаслиги, ҳуқуқ ва бурчларини яхши билмаслиги, баъзи кимсаларнинг эса зиммасига кирмайдиган вазифа учун бировларни лақиллатаётгани кишини ўйлантиради.

— Опажон, ўғлингиз Шокир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Кореядан пул жўнатяптими деймангда, бозордан бери келмай қолдингиз, — деб гап бошлади Қурбоной. — Ўғлингизга айтинг, поччасини ҳам ёнига чақирсин.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

